# БУТУН ИНСОНИЯТ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

## Совет Иттифоқи таклифларини Ер юзи халқлари маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар

### СОВЕТ РАҲБАРИ БАЁНОТИ ТЎҒРИСИДА ЧИОНГ ТИННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ХАНОЙ. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёноти СССРнинг ташқи сиёсат соҳасидаги изчил тинчликсеварлик йўлини, унинг халқлар тақдири учун юксак масъулиятини ўзида мужассамлаштирди. Баёнотда Совет Иттифоқи ўз ихтиёри билан ядро портлатишларини тўхтатиб туриш муддатини 1987 йилнинг 1 январигача узайтирганлиги эълон қилинди. ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ВСР Давлат Кенгашининг Раиси Чионг Тинь шу ҳақда гапириб, кейинги вақтларда Совет Иттифоқи ўртага қўйган бир қанча тинчлик ташаббуслари КПСС XXVII съезди қарорлари конкрет рўёбга чиқарилаётганлигидан далолат бериб, социализмнинг тинчликни ва халқаро хавфсизликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишдан иборат олижаноб вазифасини ўзида мужассамлаштирганлигини уқтириб ўтди.

Тинчлик идеалларини қадрловчи Ер юзидаги барча кишилар сингари Вьетнам халқи ҳам Совет раҳбарининг Баёнотини қизғин табриклайди ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Биз планетадаги барча тинчликсевар ва тараққийпарвар кучларни империализм, милитаризм ҳамда реакция кучларининг авантюрачилик кирдикорларига мустаҳкам тўсиқ вужудга келтириш учун, ядро урушининг олдини олиш, планетамизда мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун қатъият билан олиб борилаётган курашда ўз сафларини жипслаштиришга даъват этамиз, деди Чионг Тинь.

### КАТТА ҚАДАМ

БЕРЛИН. ГДР Совет Иттифоқининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев совет телевидениеси орқали эълон қилган Баёнотда ядро портлатишларини 1987 йил 1 январигача ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорини табриклайди. Бу тинчлик манфаатлари йўлидаги катта қадамдир, деди Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер. ГДР тинчликни мустаҳкамлашни ўзининг энг муҳим вазифаси, деб билади. Инсоният боши узра ядро қирғини хавф-хатар солиб турган ҳозирги вақтда немис ишчи-деҳқон давлати тинчликни мустаҳкамлаш йўлларини топишга ҳамда халқаро вазиятни соғломлаштиришга кўмаклашишга ҳаракат қилмоқда. (ТАСС).

### ЯНА БИР РЕАЛ ҲАРАКАТ

УЛАН-БАТОР. МХР ташқи ишлар министри М. Дугэрсурэн Совет Иттифоқи ядро портлатишларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатини узайтирганлигини тарихий муҳим воқеа, деб атади. Пухта ўйланган бу қадамни, деди у, инсоният Советлар мамлакатининг ядро ҳалокатининг олдини олиш, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси негизларини вужудга келтириш йўлидаги яна бир реал ҳаракати, деб маъқуллаб кутиб олади. Халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилиб, СССРнинг ташқи сиёсат соҳасидаги бошқа бир қанча ташаббусларида тўлдирилди. Совет Иттифоқи ядро даври реалликларини ҳисобга олган ҳолда олий даражадаги мана шу масъулиятли ташаббусларни қабул қилмоқда. (ТАСС).

### ЯХШИ НИЯТ ТАДБИРИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг ҳукумати Совет Иттифоқининг ядро портлатишларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатини 1987 йилнинг 1 январигача узайтириш тўғрисидаги қарорини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди, деди бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ПХР ҳукуматининг матбуот масалалари билан шуғулланувчи вакили.

Польша тинчлик ишига хизмат қиладиган бу тадбирни мамнуният билан кутиб олди. ПХР бундан буён ҳам тинчликни мустаҳкамлаш ишида Совет Иттифоқининг амалий шеригидир. СССРнинг янги ташаббуси — барча халқлар, шу жумладан, поляк халқининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган яхши ният тадбиридир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали берган Баёнотидаги СССРнинг таклифлари Варшава Шартномаси ташкилотининг муштарак тинчликсеварлик стратегиясини ифодалайди. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядро уруши чиқиши хавфини тугатиш жаҳондаги барча халқларнинг энг муҳим вазифасидир. Планетанинг хавфсизлиги барча тинчликсевар кучларнинг бирлашишини тақозо этади. ПХР бундан буён ҳам ана шу йўналишда ўз ташқи сиёсатини ўтказаверади.

Польша иккинчи жаҳон урушининг бутун фожиасини ўз бошидан кечирган мамлакатдир. Шунинг учун ҳам унинг халқи совет таклифи рад этилган тақдирда инсоният учун жуда катта хавф юзага келиши мумкинлигини алоҳида куч билан англайди. Бироқ АҚШда, илгаригидек, бир томонлама ядровий устунликка эришишга интилмоқдалар. АҚШ сиёсатида бутун дунёга ва Қўшма Штатларнинг ўзига ҳалокат хавфини солувчи тенденциялар устун турмайди, деб умид қилишни истардик, деди ҳукумат вакили.

### ПРОФЕССОР ЛАУННИНГ М. С. ГОРБАЧЕВга ТЕЛЕГРАММАСИ

**НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). «Жаҳон врачлари ядро урушининг олдини олиш учун курашда» халқаро ташкилотининг ҳамраиси, Гарвард университетининг профессори Б. Лаун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевга телеграмма йўллаб, унда Совет Иттифоқининг ядро портлатишларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатини 1987 йил 1 январигача узайтиришга қарор қилганлигини табриклади.**

Телеграммада шундай дейилади: «Бу кун бутун дунё врачлари номидан ғоят катта давлат донишмандлиги учун Сизга миннатдорчилик ва ҳурмат-эҳтиром билдираман. Сиз Совет Иттифоқининг ядро синовларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатини яна узайтириб ва америкаликларни сизлардан намуна олишга даъват қилиб, жаҳонни ядро қуролидан халос этиш йўлида муҳим қадам қўйдингиз.

Ядровий асримизда сиз кўпинча янгича фикрлашга даъват этмоқдасиз. Сизнинг қарорингиз — ана шундай фикрлашга содиқликнинг ёрқин ифодасидир. Мен барча мамлакатлар халқларининг кенг кўламдаги ҳаракати ядровий қуролланиш пойгасига чек қўйди, деб тарихга ёзилиб қолади ҳамда мамлакатингиз раҳбарлари бу ҳаракатга кўмаклашадилар ва янги омил бахш этадилар, деб ўйлайман.

Бизнинг ҳозирги вазифамиз — Америка халқини ва унинг вакилларини ядро портлатишларини Совет Иттифоқи ҳам, Америка ҳам ўзаро тақиқлаши Қўшма Штатларнинг, шунингдек, бутун давлатларнинг манфаатларига мос бўлиб тушишига ишонтиришдан иборат. Биз, америкалик врачлар мамлакатимиз гражданларини бу масалада миллий ватанпарварлик ва умумий инсонпарварлик ягона қудратли оқимга қўшилиб кетишига ишонтиришимиз зарур. Мен муваффақиятга эришишимизга ишонаман ҳамда биз мамлакатингиз раҳбарларидан ва Сиз намуна кўрсатаётганлигингиздан ғоят миннатдормиз».

### АҚШ сенаторининг даъвати

ВАШИНГТОН. АҚШнинг таниқли сиёсат арбоби, сенатор Эдвард Кеннеди СССРнинг ядро портлатишларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарори муддатини узайтирганини юксак баҳолади. Бу қарор — деб таъкидлади сенатор, ажал уруғини сочувчи янги ва яна ҳам хавфлироқ ядро қуроли пайдо бўлишининг олдини олишда ҳамда қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлига тушиб олишда СССР ва АҚШга яна бир имконият беради. Мен президентга мурожаат қилиб, ана шу мислсиз имкониятдан фойдаланишга ва ядро қуролини абадий тақиқлаб қўядиган, назорат қилиб туриш мумкин бўлган шартномалар тузиш йўлига дарҳол ўтишга даъват этаман, деди Кеннеди. (ТАСС).

### ЯДРО ҚУРОЛИГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

**● ЛОНДОН. «Ядро қуролига йўл йўқ!» — Англия пойтахтига олиб келинган ана шундай ёзувли плакат икки қаватли очиқ автобусга ўрнатилган. Унга мамлакат сиёсий ва ижтимоий доираларининг атоқли вакиллари, маданият арбоблари ўз имзоларини қўйдилар. Плакат Буюк Британиянинг 100 дан зиёд шаҳар ва аҳоли пунктлари орқали узоқ йўлни ўтиши керак. Англиядаги «Фриз» урушга қарши оммавий ташкилоти қуролсизланиш учун кураш йўлидаги ўз янги кампаниясини шу тариқа бошлади. Бу ташкилот аъзолари мамлакат бўйлаб ўтказиладиган бир неча ойлик саёҳат давомида мазкур плакатда миллионлаб англияликларнинг имзолари пайдо бўлишига ишонадилар.**

**Суратда: Трафальгар майдонида плакатга тинчлик учун кураш йўлида дастлабки имзолари битиляпти.**

**Л. Пахомова фотоси (ТАСС).**



### ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

**Совет Иттифоқи тинчлик ишига содиқлигини, цивилизация тақдири учун чуқур масъулиятини яққол намойиш этиб, планетанинг тинч истиқболини таъминлаш, халқаро ривожланишнинг боришини кескинликни юмшатиш изига ўтказиш, жаҳондаги вазиятни тубдан соғломлаштириш, инсониятни ядро хавфидан халос этиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча ишларни қилмоқда — КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали берган Баёнотига халқаро майдонда билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг асосий мазмуни ана шундан иборат. Халқаро жамоатчилик Совет Иттифоқининг Баёнотда ўртага қўйилган янги тинчлик ташаббусига юксак баҳо бермоқда.**

**ПРАГА.** «Руде право» газетаси «Бутун инсоният манфаатларини кўзлаб» сарлавҳали шарҳида қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқи ядро портлатишларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатини узайтирганлиги — жуда катта аҳамиятга молик воқеадир. Бу эса бутун дунёга инсоният боши узра пайдо бўлган хавф-хатарни бартараф этиш учун янги имконият яратиб беради. Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш, ядро уруши хавфини бартараф этиш ўз ташқи сиёсатининг негизи эканлигини яна бир бор тасдиқлади. СССР қабул қилган бу муҳим тадбир АҚШни Совет Иттифоқидан намуна олишга амалий даъват, космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олишга қаратилган янги конкрет куч-ғайратдир. Чунки Қўшма Штатлар Невадада ядровий портлатишларни давом эттираётганлиги зарбдор космик системалар яратишга қаратилганлиги сир эмас. Совет Итифоқининг янги муҳим ташаббуси планетамизда тинчлик учун кураш ҳаракатида жуда катта сафарбар этувчи кучга эга. Чехословак халқи Совет Иттифоқининг қарорини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

**БУДАПЕШТ.** Совет Иттифоқининг янги қарори, деб ёзади «Непсабадшаг» газетаси, планетамиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусига, ядровий ҳалокат хавфини бартараф этиш муддаосига асосланган. Совет раҳбари АҚШ президенти Рейганга мурожаат қилиб, вужудга келган вазиятни яна бир бор ҳолисона баҳоланг, қалашиб қолган ҳамма нарсани улоқтириб ташлаб, Совет Иттифоқи ва унинг ташқи сиёсатига нисбатан янглишишни бартараф этинг, деб даъват қилди. Совет Иттифоқи шу йилнинг ўзидаёқ олий даражада ўтказиладиган Совет — Америка учрашувида ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги битимга тез эришиш ва уни имзолаш мумкинлигига аминдир. Бу воқеа ҳеч шак-шубҳасиз учрашувнинг асосий реал якуни, қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлида муҳим қадам бўлур эди.

**ПАРИЖ.** «Юманите» газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Баёнотини «Тинчликка даъват», деб атади. Совет Иттифоқи ядро синовларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатини узайтириб, Қўшма Штатларга сўзсиз шундай тадбир билан жавоб қайтаришни таклиф этди. Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташаббуси қуролсизланиш проблемалари юзасидан битимларга эришиш учун яна бир тарихий имконият яратиб берди, деб таъкидлайди газета.

Франция телевидениеси Совет Иттифоқининг ўз ихтиёри билан ядро портлатишларини тўхтатиб туриш муддатини узайтирганлигини унинг яхши ният йўлида қўйган муҳим қадами, Вашингтонга ўзидан сўзсиз намуна олишга билдирилган таклифдир, деб атади. М. С. Горбачевнинг Баёноти СССРнинг олий даражадаги Совет — Америка учрашувига қулай шароит яратиш муддаосига асосланган.

**БОНН.** Москва АҚШни ақл-идрок овозига қулоқ солишга ва қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида аҳдлашувга эришиш учун тарихий имкониятдан фойдаланишга даъват этди, деб таъкидлади ЦДФ телепрограммасининг бошловчиси.

**ТОКИО.** Японияда чиқадиган «Иомиури» газетасининг ёзишича, Совет Иттифоқи ядро синовларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатини 1987 йилнинг 1 январигача узайтирганлиги Ғарб мамлакатларида ядро қуролига қарши ҳаракатни кучайтиришга кўмаклашади.

**ДЕҲЛИ.** ПТИ агентлиги Совет раҳбари америкаликларни ақл-идрок овозига қулоқ солишга ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш сари олиб борадиган йўлда янги имкониятни қўлдан бой бермасликка даъват этди, деб таъкидлайди. Совет Иттифоқи ўз ихтиёри билан ядро синовларини тўхтатиб туриш муддатини бир неча марта узайтирганлиги СССР ядро ҳалокати хавфини тугатишга азму қарор қилганлигининг далилидир. Агентлик Совет Иттифоқининг бу галги қарорини ҳам тарихий ва олисни кўзловчи қарор, деб атади.

**(ТАСС).**

### КАМПУЧИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

Кампучия Халқ Республикаси Миллат мажлиси — парламенти делегацияси Ўзбекистонга келди. Делегацияга Кампучия Халқ-революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Миллат мажлиси раиси Чеа Сим бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, СССР Халқлари дўстлиги саройини бориб кўрдилар, метрополитен линияси бўйлаб сафар қилдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

21 август куни Кампучия делегацияси аъзолари чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти активлари билан учрашди. (ЎзТАГ).

### ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКАНИ ҚЎЛЛАБ

●**ГАВАНА.** (ТАСС). Электрон техника Куба халқ хўжалигида тобора кенгроқ кўламда қўлланмоқда. 1969 йили республикада биринчи экспериментал ҳисоблаш техникаси тадқиқот маркази тузилган ва у ўз митти электрон ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқара бошлаган эди. Давлат автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси институти ҳисоблаш техникаси соҳасидаги ҳамма ишларни мувофиқлаштириб турибди.

### Виктор Иванович ЕВЕНКО



Ўзбекистон тасвирий санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон ССР халқ рассоми, 1955 йилдан КПСС аъзоси Виктор Иванович Евенко узоқ давом этган касалликдан кейин 62 ёшида вафот этди.

• В. И. Евенко 1925 йилнинг 11 мартида ишчи оиласида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1941 йилда «Ташсельмаш» заводида токарликдан бошлади. 1942 йили кўнгилли бўлиб фронтга жўнади ва Карелия ҳамда Украина фронтларида Ватан учун жангларда иштирок этди.

В. И. Евенко Тошкент шаҳрида рассомликка ўқиди. Умумий таълим мактабида ўқитувчилик қилди. 1955 йилдан бошлаб то умрининг охирги кунларигача Ўзбекистон ССР бадиий фондининг «Рассом» бадиий комбинатида рассом бўлиб ишлади.

В. И. Евенко турли жанрларда ижод қилган. У тасвирий асарлар устаси, графикачи ва плакатчи рассом сифатида машҳур. Плакат ва безатиш санъатида рассомнинг истеъдоди, айниқса, зўр намоён бўлди. У мингдан ортиқ плакат варақларини яратди, бу асарлар Москвада, Киевда ва Тошкентда кўп нусхада нашр этилди. «Тинчлик ва дўстлик» мавзуидаги плакатлар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган плакат асарлари туркуми жамоатчиликнинг юксак баҳоси ва эътирофига сазовор бўлди. Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номли майдонни, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг экспозицияларини, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги Ўзбекистон ССР бўлимини ҳамда Познань (ПХР) жаҳон ярмаркасини, Туркистон ҳарбий округи музейини ва бошқа кўпгина объектларни В. И. Евенко безатган эди.

Коммунист рассом В. И. Евенко катта жамоат ишларини бажарди. У «Жанговар қалам» агитация плакатининг ташаббускори, ташкилотчиси ва бош муҳаррири бўлди, республика шаҳар ва қишлоқларини кўргазмали-сиёсий безашнинг комплекс системасини ишлаб чиқиш ва жорий этишда жуда фаол қатнашди. Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон Рассомлар союзи партия ташкилотига ва плакат секциясига бошчилик қилди, умрининг сўнгги кунларигача ижодий союз ҳузуридаги Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган рассомлар комиссиясининг раиси эди.

В. И. Евенконинг жанговар хизматлари ва ижоди «Қизил Юлдуз», биринчи даража Ватан уруши орденлари, кўпгина медаллар, халқаро, Бутуниттифоқ ва республикалараро конкурсларнинг дипломлари билан тақдирланган. Унга «Ўзбекистон ССР халқ рассоми» фахрий унвони берилган эди.

Коммунист рассом, толмас меҳнаткаш Виктор Иванович Евенконинг порлоқ хотираси қалбларимизда сақланади.

**И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, С. У. Султонова, С. Қ. Қурбонов, Д. Т. Мадикаримова, М. А. Аҳмедова, С. Ш. Қурбонов, Г. А. Стефановский, Ж. Ю. Умарбеков, Қ. Башаров, В. И. Бурмакин, Ф. А. Кагаров, Н. М. Қўзибоев, С. Ф. Абдуллаев, Р. Аҳмедов, Т. Маҳмудов, Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель, Г. А. Ткачев, Н. В. Шерстнев.**

*ҚИШГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНЯПСИЗ?*

### ХАТОЛАР ТАКРОРЛАНМАСИН

**Иссиқ борлиқни ёндираман, дейди. Қилт этган шабада йўқ. Дарахтларнинг барглари сўлғин. Мана шундай пайтда уй-жой биноларини қандай қилиб яхши иситиш ҳақидаги фикрларни эшитиш кишини қувонтиради. Демак, ўтган йилги сабоқлар беиз кетмабди. Қуйида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.**

#### ЎЗГАРИШ БОР, ЛЕКИН ОЗ

✦ ЎТГАН йили қиш айни эшик қоқиб турган пайтда шаҳар тараддудга тушди. Дастлабки текширишдаёқ, уч мингдан ортиқ квартирада иситиш тармоқларини созлаш лозимлиги маълум бўлди. Ижрокомда ҳар куни штаб йиғилиши. Корхоналардан ремонтга ишчилар ажратилган, ёз бўйи уйқусираб юрган мутасадди ташкилотларнинг қўли қўлига тегмайди. Меҳнаткашлардан тушаётган шикоятлар оқими кундан кунга кўпаяди. Юқори ташкилотдан эса ҳар куни қўнғироқ.

Шаҳар ижроия комитети ўз айбини тушуниб турарди. Қишга тайёргарликка ўз вақтида жиддий киришилмаганди. Шу боис, оғирликни зиммага олишга ҳаракат қилинди. Область газетаси орқали эълон берилди. Меҳнаткашлардан кимнинг квартираси яхши исимаётган бўлса, тўппа-тўғри ижрокомга қўнғироқ қилишлари сўралди. Ходимлар гражданларнинг арзини ёзиб олишар, шу заҳоти улар яшайдиган уй-жойларни эксплуатация қилиш идорасига қўнғироқ қилиб, талабни бажариш ҳақида буйруқ бериларди. Масалан, ижроком февраль ойининг ўзида шу тариқа 166 кишининг мушкулини енгил қилди.

— Ҳалиям, қиш унчалик қаттиқ бўлмади, — дейди ижроком раиси Ў. Акромов. — Бўлмаса, ундан ҳам оғир аҳволда қолар эдик. Ўтган йилги хатоларни такрорламаслик мақсадида бу йил шаҳарни қишга тайёрлаш масаласига жиддий эътибор беряпмиз. Лекин бу соҳадаги ишлар ҳар томонлама кўнгилдагидай, деб бўлмайди. Муаммо ҳам, камчилик ҳам кўп.

Дарҳақиқат, шундай. Ижрокомда яқинда ўтган йиғилишда уй-жой биноларини қишга ҳозирлаш бўйича олиб борилаётган ишлар қониқарсиз, деб баҳоланди. Июлнинг бошигача иситиш тармоқлари капитал ремонт қилиниши лозим бўлган 90 уйнинг 12 тасидагина иш тугалланган. Реконструкцияланадиган 43 уйнинг атиги 9 тасидагина бундай юмушлар бажарилган. Янги иситиш тармоқларини созлашдаги аҳвол ҳам кишини ранжитади.

Тўғри, кейинги кунларда бу борада сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, ишчи кучини кўпайтиришнинг ўзи ҳозир бир вақтда 35 уйда капитал ремонт, 10 уйда реконструкциялаш ишларини олиб бориш имконини бермоқда.

#### КЕНГ ЁЙИШГА АРЗИГУЛИК ТАЖРИБА

✦ ШУ ЎРИНДА бир тажрибага алоҳида тўхтаб ўтишга тўғри келади. 1983 йилда Навоий кон-металлургия комбинати уй-жой ва коммунал хўжалиги бошқармаси Ўзбекистон кўчаси 10-уйда яшовчилар билан шартнома тузди. Шартномага мувофиқ, улар ишдан бўш пайтларида иссиқлик тармоқларини созлашди, пировард натижага қараб иш ҳақи олишди. Йил сайин бундай звенолар кўпайиб борди. Шу йилнинг олти ойи мобайнида улар бошқарманинг 120 минг сўмлик ишини бажариб беришди. Бу — катта гап, бошқарма ўзлаштирган умумий маблағнинг ярмига тўғри келади.

— Бундай иш услубининг яна бир фойдали томони иш сифатининг юқорилигидадир, — дейди бошқарма бош инженери А. Дуда. — Ким ҳам ўз квартирасининг қишда совуқ бўлишини истайди?! Мана шу жиҳатнинг ўзи иш сифатли бажарилишини таъмин этяпти.

Кўриниб турибдики, бу тажрибани кенг қувватлаш зарур. Мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳам бу фикрни қизғин маъқуллашди. Аммо у амалда қийин кечяпти, кенг кўламлилик касб эта олмаяпти. Албатта, ўзига хос қийинчиликлар ҳам бор. Кўнгиллилардан иборат созлаш звеноларини тузишдан олдин кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, бу ишга кўпроқ слесарь-монтажчиларни жалб этиш, уларни зарур асбоб-ускуна ва материаллар билан таъминлаш керак бўлади. Ҳозирча худди шу масалаларни йўлга қўйишда уй-жой хўжалиги ходимлари етарли ташкилотчилик кўрсатишолмаяпти.

Шу йил биринчи кварталидан бошлаб бошқарма ўз иш структурасида ҳам ўзгариш ясади. Илгарилари уй-жойлар билан боғлиқ барча созлаш ишлари билан асосан микрорайонлардаги уй-жой идоралари шуғулланар эди. Эндиликда бошқарма қошида ташкил этилган участкалар бу вазифаларни ўз зиммасига олди. Куч-маблағларни марказлаштириш ва ихтисослаштиришнинг самараси сезиларли бўляпти. Лекин ҳаёт бу участкаларни янада такомиллаштиришни, хусусан иссиқлик ва сув таъминоти тармоқларини созловчи ишчилар сонини кўпайтиришни тақозо этяпти. Ҳозир бу ерда ишлаётган ўнга яқин ишчининг шаҳардаги ҳамма ишларни бажаришга қурби етмаслиги аён бўлиб қолди.

#### ДОЛЗАРБМИ? ШУНГА ЯРАША ИШ ТУТИШ КЕРАК!

✦ НАВОИЙ ШАҲРИ ташкил этилганига ҳали ўттиз йил бўлгани йўқ. Бундан беш-олти йил муқаддам уй-жой бинолари ва корхоналарни иссиқлик билан таъминлаш бугунгидай долзарблик касб этмаганди. Чунки ўшанда трубопровод трассалари ва иссиқлик шохобчалари ўз хизмат ресурсларини ўтамаган эди.

Айниқса, кейинги икки-уч йил мобайнида бу масала ижроком ва бошқа ташкилотларни тез-тез қаттиқ ташвишга солиб қўймоқда. Мисол тариқасида ГРЭСдан шаҳарга тортилган иссиқлик тармоқлари эскириб, эҳтиёжни қопламай қолганини таъкидлаш мумкин. Натижада ўтган йили катта ҳажмли янги тармоқни ишга туширишга тўғри келди. Бу ҳам иссиқлик танқислигини тўла ҳал этолмаяпти.

Ҳозир «Югпроммонтаж» трестининг монтажчилари унинг иккинчи тармоғида иш олиб бормоқда. Тармоқнинг ишга туширилиши кўп корхоналарнинг фаолиятини яхшилашга таъсир кўрсатади. Навоий қурилиш бошқармаси ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ коллектив негадир иссиқлик тармоғи қурилишини тезлатишга кўпроқ ёрдам бериш ўрнига ишни сусайтиришга сабабчи бўляпти. Яъни, қувурлар билан таъминлаш графигини тез-тез бузяпти. Шу тариқа монтажчилар июль ойидан бошлаб қўл қовуштириб ўтиришибди. Учинчи кварталга мўлжалланган материалларни улар қачон олишлари ҳамон номаълум. Таъминотчилар ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти.

Яқинда 7-микрорайонда фавқулодда ҳолат содир бўлди. Ҳеч кутилмаганда, икки километр узунликдаги иссиқлик узатувчи қувурларнинг ишдан чиққанлиги аниқланди. Бунинг сабаби жуда оддий: аҳвол масъулиятсизлик туфайли юз берди. Лойиҳачилар қувурларнинг қаердан ўтишини белгилашаётганда сув тармоқларини ҳисобга олишмаган. Натижада қувурлар йиллаб сув ичида қолиб, ишдан чиққан. Энди уларни алмаштиришга анча маблағ ва куч талаб қилиняпти. Созловчилар шусиз ҳам бу масалада анча қийналиб туришган эди.

Сут заводи зонасидаги иссиқлик тармоқларини алмаштириш масаласини жиддий қилиб қўйиш керак. Навоий ГРЭСининг иссиқлик тармоқлари цехи бор-йўғи 500 метр узунликдаги бу тармоқни созлашни ойдан ойга резинкадай чўзиб келмоқда.

— Кранимиз, ер қазувчи техникаларимиз бўлмаса, бизда нима айб, — дейди цех бошлиғининг ўринбосари Т. Жабборов. — Корхонамиз бўйича биргина кран бор. У ҳамма бўлинма ва цехлар ўртасида талаш. Шу сабаб у кранни энг зарур участкага бот-бот йўллаб туришади. Кўпинча биз қўшни қурувчи ташкилотлардан ёрдам сўрашга мажбур бўламиз. Турган гапки, улар ҳам техникасини узоқроқ муддатга бериб қўйишмайди.

Техниканинг етишмаслиги ишнинг боришига салбий таъсир кўрсатиши аён. Цех ер ости ишлари топшириғини олти ойда ярмига ҳам етказолмади. Шаҳардаги иссиқлик таъминоти шохобчаларини созловчи бошқа корхоналар фаолиятида ҳам шунга ўхшаш мисоллар оз эмас.

Хуллас, шаҳар ижроия комитетининг раиси таъкидлаганидек, муаммо ва камчиликлар оз эмас. Фақат шаҳарда қишга ҳозирлик ўтган йилларга нисбатан анча барвақт бошланганлиги, мутасадди ташкилотлар нисбатан кўпроқ масъулиятни ҳис этишаётганлигига асосланиб, бу масалаларни қиш мавсумигача ижобий ҳал этса бўлади, деб ўйлаймиз. Аслида меҳнаткашларнинг талаби ҳам шундай. Умумий иш натижасини эса қиш баҳолайди.

**А. ҚОРЖОВОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

